

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БЎЙРУҒИ

# 436 Қишлоқ хўжалик корхоналари пул маблағларини «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПлари кўрсатган хизматлари, етказиб берган қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар учун ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1082-1*

*(2009 йил 5 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2001 йил 2 ноябрдаги 117-сон буйруғи (рўйхат рақами 1082, 2001 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 21-сон) билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик корхоналари пул маблағларини «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПлари кўрсатган хизматлари, етказиб берган қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар учун ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 10 сентябрь,  
89-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.